



КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ АСОСИДАГИ КОРХОНАЛАР
ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНИШНИНГ АСОСИЙ УСТУВОР
ЙЎНАЛИШЛАРИ

Боймирзаев Неъматжон Абдулбоқи ўғли

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини
бошқариш агентлиги етакчи мутахассиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7141596>

Жаҳонда корпоратив бошқарувга бўлган муносабат XX асрнинг 90 йилларидан янада ортиб, корпоратив тузилмаларни шакллантиришга турли даражаларда тараққий этган давлатлар алоҳида эътибор қарата бошладилар. Бу даврга келиб, корпоратив бошқарув тамойиллари жорий этилиб, халқаро глобал трансмиллий корпорациялар ташкил топди, корпоратив бошқарув моделлари жорий этилди. Бугунги кунда жаҳондаги ривожланган давлатлар амалиётида корпорацияларни назарий-услубий жиҳатдан ўрганиш, уларни бошқаришда стратегияларни танлаш, акциядорлик жамиятларини корпоратив бошқарув муаммоларини комплекс тадқиқ этиш бўйича кўплаб амалий ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”да акциядорлик жамиятлари фаолиятини ривожлантириш ва самарали бошқаришни ташкил қилиш жараёнларига “корпоратив бошқарувининг замонавий стандартлар принциплари ва усулларни жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш” муҳим вазифалардан ҳисобланади¹ - деб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2017-2021 йилларга Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегиясида таъкидлаганлар.

Корпоратив бошқарув ҳозирги кунга келиб корхоналарни бошқаришнинг нафақат замонавий фалсафасига, балки самарадорликни таъминлайдиган муҳим технологиясига айланиб улгурди. Такомиллашган корпоратив бошқарув натижасида иқтисодий қўшилган қийматнинг (economic value added – EVA) сезиларли даражада кўпайиши, самарадорликнинг ортиши ва рискнинг камайиши юз бериши турли эмпирик тадқиқотларда ўз аксини топган. Хусусан, бир қатор етакчи экспертлар томонидан ўтказилган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон фармонининг 1-илоvasи «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси». www.lex.uz.






тадқиқот натижалари кўрсатишича, самарали корпоратив бошқарув йўлга қўйилган компанияларда иқтисодий қўшилган қиймат корпоратив бошқарувнинг стандартлари амал қилмайдиган компанияларга нисбатан 8,5 фоизга юқори бўлган. Корпоратив бошқарув амалиётини яхшилаш Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилиш жараёнининг бир қисми бўлиб, у хусусий мулкни ҳимоялаш, акциядорлар манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлаш, мамлакат иқтисодий алоҳида ўрин тутувчи инвестицион жозибадор, рақобатбардош миллий корпорацияларни шакллантириш учун шарт шароитларни яратиш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Корпоратив бошқарув бир қатор имтиёзлар ва қоидалар орқали амалга оширилади, улар орқали акциядорлар фойдани кўпайтириш ва компания қийматини ошириш учун бошқарув орқали ташкилотни бошқаришнинг ҳақиқий имкониятига эга бўладилар. Корпоратив бошқарувнинг моҳиятини аниқлашга миллий ёндашувни ўрганиш жуда муҳим деб ҳисобланади.

Корпоратив бошқарув асосидаги корхоналарда бошқарув самарадорлигини ошириш юзасидан мунтазам маъмурий ислоҳотлар олиб борилмоқда. Булардан асосийси – давлат бошқарув органларининг иқтисодий субъектлар хўжалик фаолиятига аралашувини қисқартириш ҳисобланади. Акциядорлик жамиятларини бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш бўйича ҳукумат қарорларини бажаришда компания ўз устав фондига берилган акцияларнинг давлат пакетлари ва корхоналар улушлари воситасида корхоналарни бошқаришда бевосита иштирок этмоқда. Компания вакиллари Кузатув кенгаши аъзолари ҳисобланиб, барча зарур ташкилий ва ишлаб чиқариш масалалари кенгаш ёки акциядорларнинг умумий йиғилишига киритиш йўли билан, шунингдек, тасдиқланган устав ва ички корпоратив ҳужжатлар асосида ҳал этади. (1-расм).





1- расм. Корпоратив Экспортни ошириш корхоналар фаолиятини ривожланишининг асосий устувор нуналишлари ²

Корпоратив бошқарув асосидаги корхоналарда инновацион моделлар орқали бошқариш стратегияни амалга ошириш ишлаб чиқаришни модернизациялаш, инновацион жараёнларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, инновацион стратегияни ишлаб чиқиш, корпорацияларни бошқариш самарадорлигини ошириш, корхоналарга тўғридан-тўғри инвестициялар, жумладан хорижий инвестицияларни кенг жалб этишга олиб келади³.

Корпоратив бошқарув механизми компанияни белгиланган мақсадларига эришиш учун зарур бўлган ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий муносабатларни ҳаракатга келтирадиган элементлар мажмуидир. Корпоратив бошқарув механизми директорлар кенгашини акциядорлар олдида, компания раҳбариятининг директорлар кенгаши олдида, йирик акция пакети эгаларининг миноритар акциядорлар олдида, корпорациянинг ходимлари ва мижозлари ҳамда умуман жамият олдидаги масъулиятини таъминлашга хизмат қилади. Корпоратив бошқарувнинг диққат-эътибори ушбу гуруҳлар ва институтлар ўз функциясини улар ўртасидаги манфаатлар уйғунлигини сақлаган ҳолда бажаришлари учун қаратилган.

Корпоратив бошқарувнинг мақсади корпорацияларнинг инвестиция жозибадорлигини ошириш ва барча манфаатдор томонлар манфаатларининг оқилона мувозанатига риоя қилган ҳолда, амалдаги қонунчилик доирасида очиқ акциядорлик жамиятларининг барча фаолият турларидан имкони қадар юқорироқ фойда олишдир. Нормал ҳолатдаги корпоратив бошқарувни амалга ошириш учун корпоратив тизимга тез мослаша олиш учун унинг қулай йўллари топиш мақсадга мувофиқдир. Мулкчиликнинг акциядорлик шаклини корпоратив бошқариш усулларини жорий этишда кўрсатиб ўтилган жиҳатларнинг мавжудлиги корпоратив хамжамиятнинг турли иштирокчилари манфаатларининг уйғунлигини ва бозор талаблари асосида акциядорлик корхоналарини ривожлантиришнинг рақобатбардош стратегияларидан фойдаланишни тақазо этувчи сифат жиҳатдан янги менежментни шакллантиришни талаб

² Muminova E. A. Korporativ boshqaruv asosidagi korxonalarda modernizatsiyalash jarayonlarini amalga oshirish xususiyatlari. "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 6, noyabr-dekabr, 2020 yil.

³ Иванова Е.А., Шишкина Л.В. Корпоративное управление: учебное пособие / Е.А.Иванова, Л.В. Шишкина; под ред. проф. В.Ю. Наливайского. – Ростов н/Д.: "Феникс", 2007. - С.68.





этади. Бундан ташқари, корпоратив ҳамжамиятнинг турли иштирокчилари манфаатларини кескин бозор иқтисодиёти позицияларидан бир – бирига боғлай оладиган ва тез ўзгарувчан рақобат муҳитида корхоналарни ривожлантиришнинг мосланувчан стратегиясини шакллантиришга қодир янги авлод менежерларини жалб қилмасдан туриб бизнесини корпоратив бошқариш вазифаларини бажариб бўлмайди. Ўзбекистон Республикасида мулкчиликнинг акциядорлик шакли акциядорлар учун ўзини ўзи қоплайдиган ва инвесторлар учун фойдали бўлибгина қолмасдан, балки хўжалик юритишнинг бундай шакли мулкчиликнинг бошқа шакллариغا (давлатга тегишли, кўшма, хусусий) нисбатан самарали эканини яққол кўрсатувчи намуна вазифасини ҳам бажаради.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги қуйидаги шаклларда тижорат ташкилотларини ташкил қилиш имкониятини назарда тутди:

- очиқ акциядорлик жамияти ва ёпиқ акциядорлик жамияти;
- масъулияти чекланган жамият ва кўшимча масъулиятли жамият;
- тўлиқ ширкат ва коммандит ширкат;
- ишлаб - чиқариш кооперативи;
- хусусий корхона;
- унитар корхона.

Шу билан бирга, шуни таъкидлаш керакки, корпоратив бошқарув ҳар қандай фаолият турига эга бўлган ҳар қандай компанияда, лекин капитал иштирокида қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси корхоналари фаолиятида корпоратив бошқарув усулларининг институционал қарор топиши жараёни қуйидаги омиллар билан изоҳланади:

- давлатнинг корхоналарни хусусийлаштириш ва уларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлашга қаратилган чоралари;
- давлат корхоналарини акциядорлик жамиятларини ташкил қилиш шаклида давлат тасарруфидан чиқариш жараёни, эмиссия кўламларини кенгайтириш ва уларнинг акцияларини муомалага чиқариш;
- корхоналар акциядорлари ҳуқуқларини давлат ва унинг ваколатли идоралари томонидан ҳимоя қилинишининг мустаҳкам қонунчилик ва институционал базасини яратишдир.

